

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

301 2018 — 2020 йиллар даврида фақат «ягона дарча»
марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизмат-
ларини босқичма-босқич жорий этиш жадвалини тасдиқлаш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 1 февралдаги ПҚ–2750-сон қарорига мувофиқ, шунингдек 2018 — 2020 йиллар даврида фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини жорий этишнинг аниқ муддатларини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2018 — 2020 йиллар даврида фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини босқичма-босқич жорий этиш жадвали (кейинги ўринларда жадвал деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

2. Жадвалда кўрсатилган «ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатувчи ваколатли органлар ва бошқа ташкилотлар:

2017 — 2019 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига, Адлия вазирлигига ҳамда Савдо-саноат палатасига тадбиркорлик субъектларидан талаб қилинадиган ҳужжатлар ва маълумотлар, шунингдек уларни бериш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатини ва тегишли давлат органларидан маълумотлар олиш учун идоралараро электрон ҳамкорликдан мажбурий фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда давлат хизматларини такомиллаштириш бўйича аниқ тадбирларни ҳар йили 1 майгача бўлган муддатда киритсинлар;

Жадвалда кўрсатилган муддатлардан уч ой олдин Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрдаги 358-сон қарори 3 ва 5-бандлари талабларининг ижросини таъминласинлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда тегишли давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан, шунингдек эскирган ва замонавий талабларга жавоб бермайдиган ҳужжатлар ва маълумотларни шу жумладан идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали олиннадиган маълумотларни тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиш тўғрисидаги талабларни бекор қилишга доир таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

Жадвалда кўрсатилган муддатлардан бошлаб давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги аризаларни тўғридан-тўғри тадбиркорлик субъектларидан қабул қилиш амалиётини бекор қилсинлар;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир тизимли чора-тадбирлар кўрсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда тегишли йилда, фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари босқичма-босқич жорий этиш жадвалини амалга ошириш чора-тадбирлари режасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига 2017 — 2019 йиллар мобайнида ҳар йили 1 августгача бўлган муддатда киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 25 апрель,
239-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 25 апрелдаги 239-сон қарорига
ИЛОВА

**2018 — 2020 йиллар даврида фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини
босқичма-босқич жорий этиш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Бериладиган хужжат, кўрсатиладиган хизмат номи	Харакат ва (ёки) муайян фаолият	Табиркорлик субъектига хужжат берувчи ваколатли орган	Жорий этиш мuddати
2018 йил				
1.	Товарни вақтинча олиб кириш (олиб чиқишга) рухсатнома.	Товарларни вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш).	Давлат божхона қўмитаси	2018 йил 1 апрель
2.	Товарни резекспорт божхона режимига жойлаштиришга рухсатнома.	Товарни резекспорт божхона режимига жойлаштириш.		
3.	Био ва иншоотларни, сув таъминоти, канализация ва оқова сувларни тозалаш тизимларини, гидро-техника иншоотларини, бошқа объектларни санитария нормалари, қондалари ва гигиена меъёрларига риоя этган ҳолда лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилишни келиштириш.	Био ва иншоотларни, сув таъминоти, канализация ва оқова сувларни тозалаш тизимларини, гидро-техника иншоотларини, бошқа объектларни санитария нормалари, қондалари ва гигиена меъёрларига риоя этган ҳолда қуриш, реконструкция қилиш лойиҳасини тасдиқлаш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2018 йил 1 июль
4.	Махсус қўлланиладиган биологик актив моддаларни четдан келтириш ва ишлаб чиқаришга рухсатнома.	Махсус қўлланиладиган биологик актив моддаларни четдан келтириш ва ишлаб чиқариш.		
5.	Озонни бузувчи моддалар ва таркибда озонни бузувчи моддалар бўлган маҳсулотларни олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома.	Озонни бузувчи моддалар ва таркибда озонни бузувчи моддалар бўлган маҳсулотларни олиб кириш ва олиб чиқиш.	Экология ва агроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	2018 йил 1 июль
6.	Ўрмон фондига кирмайдиган дарахтзор ва бутазорларни кесилиш келиштириш.	Ўрмон фондига кирмайдиган дарахтзор ва бутазорларни кесилишга рухсатнома олиш.		2018 йил 1 июль
7.	Ер участкаси танлаш тўғрисидаги хулоса.	Ер участкаси танлашни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни олиш.	«Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ДУК, «Тошкентбошлан ЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ-қурилишлойиҳа» МЧЖ	2018 йил 1 октябрь
8.	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топшида қайналаган шахслар учун белгиланган энг кам миқдорга мувофиқ яратилган (захира қилиб қўйилган ёки ажратилган) иш ўринларини қисқартириш ёки тугатиш тўғрисида қарор.	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топшида қайналаган шахслар учун белгиланган энг кам миқдорга мувофиқ яратилган (захира қилиб қўйилган ёки ажратилган) иш ўринларини қисқартириш ёки тугатиш.	Туман (шаҳар) ҳокимликлари	2018 йил 1 октябрь
9.	Мол сўйишни амалга ошириш хужуқини берувчи рухсат гувоҳномаси.	Мол сўйишни амалга ошириш.		

Т/р	Бериладиган ҳужжат, кўрсатиладиган хизмат номи	Харакат ва (ёки) муайян фаолият	Тадбиркорлик субъектига ҳужжат берувчи ваколатли орган	Жорий этиш мuddати
10.	Ер участкаси ажратиш тўғрисида қарор (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари).	Ер участкасидан фойдаланиш.		2018 йил 1 октябрь
11.	Муҳандислик коммуникацияларига уланиш учун техник шартлар.	Меъморий-режалаштириш топширини ишлаб чиқиш.	Фойдаланиш ташкилотлари	2018 йил 1 октябрь
12.	«Ўзбекистон қовқатзаҳира» мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва гамлашкорхоналари уюшмаси таркибига қирадиган мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва гамлаш корхоналари томонидан амалга ошириладиган истеъмол товарлари улгуржи савдосига лицензия.	«Ўзбекистон қовқатзаҳира» мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва гамлаш корхоналари уюшмаси таркибига қирадиган мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва гамлаш корхоналари томонидан амалга ошириладиган истеъмол товарлари улгуржи савдосига лицензия.	Адлия вазирлиги	2018 йил 1 октябрь
13.	Телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия.	Телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаш.	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	2018 йил 1 октябрь
14.	Телекоммуникациялар тармоқларини қуриш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия.	Телекоммуникациялар тармоқларини қуриш.		
15.	Телекоммуникациялар тармоқларидан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия.	Телекоммуникациялар тармоқларига хизмат кўрсатиш.		
16.	Телекоммуникациялар тармоқларига хизмат кўрсатиш учун лицензия.	Телекоммуникациялар тармоқларидан фойдаланиш.		
17.	Товарларни реимпорт божхона режимига жойлаштиришга рухсатнома.	Товарни реимпорт божхона режимига жойлаштириш.	Давлат божхона қўмитаси	2018 йил 1 октябрь
18.	Божхона брокери сифатида фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома.	Юридик шахснинг божхона брокери сифатида фаолиятини амалга ошириши.		2018 йил 1 декабрь
19.	Ёввойи ҳайвонларни овлашга рухсатнома.	Ёввойи ҳайвонларни овлаш.		2018 йил 1 декабрь
20.	Ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, зоология коллекциялари, трофейлар, тулумларни олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома.	Ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, трофейлар, тулумларни олиб кириш ва олиб чиқиш.	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	2018 йил 1 декабрь
21.	Ёввойи ўсимликларни, уларнинг қисмларини олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома.	Ёввойи ўсимликларни, уларнинг қисмларини олиб кириш ва олиб чиқиш.		
22.	Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашмаларини ташкил этиш, ҳўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишга олдидан розилик.	Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашмаларини ташкил этиш, ҳўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш.		2018 йил 1 декабрь
23.	Қонунчиликда белгиланган ҳолатларда ҳўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги (устав капиталдаги) акцияларни (улушларни) олишга олдидан розилик.	Қонунчиликда белгиланган ҳолатларда ҳўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги (устав капиталдаги) акцияларни (улушларни) олиш юзасидан шаҳс ёки бир гуруҳ шахслар билан олди-сотди, айир-бошлаш шартномалари, ҳада, ишончли бошқарув ва шу каби битимларни тузиш.	Давлат рақобат қўмитаси	2018 йил 1 декабрь

Т/р	Бериладиган ҳужжат, кўрсатиладиган хизмат номи	Харакат ва (ёки) муайян фаолият	Тадбиркорлик субъектига ҳужжат берувчи ваколатли орган	Жорий этиш муддати
24.	Лойиҳавий ҳужжатларнинг меъморий-режалаштириш топширигига мувофиқлиги нуқтан назаридан Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси ҳузуридаги меъморий-шаҳарсозлик кенгаши билан келишиш.	Лойиҳа ҳужжатларини объектнинг ёнгина қарши ҳавфсизлиги ва зилзилага бардошлилиги юзасидан давлат экспертизаси ҳулосасини олиш.	Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси	2018 йил 1 декабрь
2019 йил				
25.	Давлат фойдасига воз кечиб учун товарни божхона режимида жойлаштиришга руҳсатнома.	Чет эл товарларидан давлат фойдасига воз кечиб.	Давлат божхона кўмитаси	2019 йил 1 апрель
26.	Сувдан маҳсус фойдаланиш ёки сувни маҳсус истеъмол қилиш учун руҳсатномани келишиш.	Сувдан маҳсус фойдаланиш ёки сувни маҳсус истеъмол қилиш учун руҳсатнома олиш.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси, «Санаятгеоконтехназорат» ДИ	2019 йил 1 июль
27.	Янги озуқа қўшимчаларини четдан келтириш ва ишлаб чиқаришга руҳсатнома.	Янги озуқа қўшимчаларини четдан келтириш ва ишлаб чиқариш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2019 йил 1 июль
28.	Янги кимёвий моддалар, биологик воситалар ва материаллар, полимер ва пластик массалар, парфюмерия-косметика маҳсулотларини четдан келтириш ва ишлаб чиқаришга руҳсатнома.	Янги кимёвий моддалар, биологик воситалар ва материаллар, полимер ва пластик массалар, парфюмерия-косметика маҳсулотларини четдан келтириш ва ишлаб чиқариш.	Марказий банк	2019 йил 1 июль
29.	Бош агентни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома.	Жисмоний шахслардан тўлов агентлик тармоғи орқали (тўлов агентлари/субагентлари бундан мустасно) тўловларни қабул қилиш бўйича воситачилик хизматлари кўрсатиш.	Марказий банк	2019 йил 1 июль
30.	Хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш йўналишларини ўзгартиришга руҳсатнома.	Экспорт қилинадиган маҳсулотни олиб чиқиш учун хорижий автомобилда юк ташувчининг ҳаракатланиш йўналишини ўзгартирган ҳолда хорижий автомобилда юк ташувчилардан фойдаланиш.	Давлат божхона кўмитаси	2019 йил 1 июль
31.	Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.	Оммавий ахборот воситаси сифатида фаолиятни амалга ошириш.	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги	2019 йил 1 октябрь
32.	Товарни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида ёки ҳудудидан ташқарида қайта ишлашга руҳсатнома.	Товарни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида ёки ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш.	Давлат божхона кўмитаси	2019 йил 1 октябрь
33.	Божхона оմбори таъсис этишга лицензия.	Божхона оմбори таъсис этиш.	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги	2019 йил 1 октябрь
34.	Меъморий-режалаштириш топшириги.	Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.	«Давархитекстурилиш» кўмитаси	2019 йил 1 октябрь
35.	Ўсимликларни химоя қилиш воситаларини тажриба сифатида қўллашга руҳсатномани келишиш.	Ўсимликларни химоя қилиш воситаларини тажриба сифатида қўллашга руҳсатнома олиш.	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2019 йил 1 октябрь

Т/р	Бериладиган ҳужжат, кўрсатиладиган хизмат номи	Харакат ва (ёки) муайян фаолият	Тадбиркорлик субъектига ҳужжат берувчи ваколатли орган	Жорий этиш муддати
36.	Саноат хавфсизлиги бўйича экспертиза хулосаси.	Хавфли ишлаб чиқариш объектини куриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервация қилиш ва тугатиш юзасидан фаолиятни олиб бориш.	Аккредитация қилинган эксперт ташкилотлари	2019 йил 1 октябрь
37.	Объектнинг ёнгинага қарши хавфсизлиги ва сейсмик барқарорлиги тўғрисида давлат экспертизаси хулосаси.	Курилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсатнома олиш.	Давлат экспертиза органлари	2019 йил 1 октябрь
38.	Қўлматли қўғозлар бозорига касбий фаолият билан шуғулланишга лицензия.	Қўлматли қўғозлар бозорига касбий фаолият билан шуғулланиш.	Давлат рақобат кўмитаси	2019 йил 1 октябрь
39.	Божсиз савдо дўконини таъсис этишга лицензия.	Божсиз савдо дўконини таъсис этиш.	Давлат божхона кўмитаси	2019 йил 1 декабрь
40.	«Эркин омборхона» божхона режимида омборхона таъсис этишга лицензия.	«Эркин омборхона» божхона режимида омборхона таъсис этиш.	Сўғлиқни сақлаш вазирлиги	2019 йил 1 декабрь
41.	Дори воситаси ва tibбий буюмларни рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома.	Дори воситаси ва tibбий буюмлардан tibбий фойдаланиш.		2019 йил 1 декабрь
42.	Сўғурталовчилар ва сўғурта брокерларининг сўғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия.	Сўғурталовчилар ва сўғурта брокерларининг сўғурта фаолияти.	Молия вазирлиги	2019 йил 1 декабрь
43.	Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия.	Аудиторлик фаолияти.		
44.	Лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия.	Лотереялар ташкил этиш.		
45.	Курилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказишга лицензия.	Курилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш.	Давлат архитектура кўмитаси	2019 йил 1 декабрь
46.	Баҳоланг фаолиятини амалга ошириш учун лицензия.	Баҳоланг фаолияти.	Давлат рақобат кўмитаси	2019 йил 1 декабрь
47.	Биржа фаолиятини амалга ошириш учун лицензия. (валюта биржаси фаолияти бундан мустасно).	Биржа фаолияти. (валюта биржаси фаолияти бундан мустасно).		
48.	Риэлторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия.	Риэлторлик фаолияти.		
49.	Сув ресурсларидан фойдаланиш ва дренаж-оқова сувларини оқзиб юбориш билан боғлиқ янги корхоналар куриш ва фаолият юритаётган корхоналарни реконструкция қилиш лойиҳасини келишиши.	Ер усти сувларидан фойдаланиш билан боғлиқ янги корхоналар куриш ва фаолият юритаётган корхоналарни реконструкция қилиш лойиҳасини тасдиқлаш.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	2019 йил 1 декабрь
50.	Йўллар, йўл иншоотлари, темир йўл ўтказгичлари, йўллар ва кўчалар бўйлаб жойлашган сервис шохобчалари, АЁҚШ, АГТҚС ва АГҚС, бино ва иншоотлар куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳамда транспорт воситалари конструкциялари лойиҳаларини келишиши.	Йўллар, йўл иншоотлари, темир йўл ўтказгичлари, йўллар ва кўчалар бўйлаб жойлашган сервис шохобчалари, АЁҚШ, АГТҚС ва АГҚС, бино ва иншоотлар куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳамда транспорт воситалари конструкциялари лойиҳаларини тасдиқлаш.	Ички ишлар вазирлиги	2019 йил 1 декабрь

Т/р	Бериладиган ҳужжат, кўрсатиладиган хизмат номи	Харакат ва (ёки) муайян фаолият	Тадбиркорлик субъектига ҳужжат берувчи ваколатли орган	Жорий этиш муддати
51.	Сугурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома.	Сугурталовчини қайта ташкил этиш.	Молна вазирлиги ҳузуридаги	2019 йил
52.	Сугурталовчининг молиявий аҳволини соғломлаштириш чора-тадбирларини келиштиш.	Сугурталовчининг молиявий аҳволини соғломлаштириш.	Сугурта назорати давлат инспекцияси	1 декабрь
53.	Сугурталовчининг оғоҳлантириш тадбирлари захирасидан молиялаштириладиган оғоҳлантириш тадбирларини амалга ошириш.	Сугурталовчининг оғоҳлантириш тадбирлари захирасидан молиялаштириладиган оғоҳлантириш тадбирларини амалга ошириш.		
2020 йил				
54.	Нефть маҳсулотларини АЕКШ ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишга лицензия.	Нефть маҳсулотларини АЕКШ ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари	2020 йил 1 апрель
55.	Улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш учун лицензия, Ўзбекистон Республикаси «Мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш ва гамлаш корхоналари» таркибига кирадиган мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва гамлаш корхоналари бундан мустасно.	Улгуржи савдо, «Ўзбекистон Қовқатзаҳира» мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва гамлаш корхоналари уюшмаси таркибига кирадиган мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва гамлаш корхоналари бундан мустасно.	Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари	2020 йил 1 апрель
56.	Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни кўлайитириш, сотиш, ижарага беришга лицензия.	Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни кўлайитириш, сотиш, ижарага бериш.	Интеллектуал мулк агентлиги	2020 йил 1 апрель
57.	Фонограммаларни тайёрлашга лицензия.	Фонограммаларни тайёрлаш.		
58.	Асалари уялари ва кутилларини жойлаштириш учун давлат ўрмон фондидан участкалар ажратишга рухсатнома.	Асалари уялари ва кутилларини жойлаштириш учун давлат ўрмон фондидан участкалар ажратиш.	Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги	2020 йил 1 июль
59.	Тўғун савдо шохобчасининг санитария талабларига мувофиқлиги тўғрисида санитария хулосаси.	Бозорда ва савдо шохобчаларида гўшт маҳсулотлари савдосини амалга ошириш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2020 йил 1 июль
60.	Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари — резидентлари томонидан чет элда ҳисоб рақамларини очишга рухсатнома.	Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари — резидентлари томонидан чет элда ҳисоб рақамларини очиш.	Марказий банк	2020 йил 1 июль
61.	«Санаятсоеконтехназорат» Давлат инспекцияси назоратидаги объектларда электр қурилмаларини созилаш ишларини бажаришга рухсатнома.	«Санаятсоеконтехназорат» Давлат инспекцияси назорати остидаги объектларда реле химюси ускуналарини, электроавтоматика, телемеханика ва иккинчи даражаси занжирларини созилаш бўйича ишларни амалга ошириш.	«Санаятсоеконтехназорат» ДИ	2020 йил 1 октябрь
62.	Ускуналар, қувурлар, цистерна ва бошқа сифимларни кимёвий химю қилиш ишларини бажаришга рухсатнома.	Ускуналар, қувурлар, цистерна ва бошқа сифимларни кимёвий химю қилиш ишларини бажариш.		
63.	Туризм фаолиятини амалга ошириш учун лицензия.	Туризм фаолияти.	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси	2020 йил 1 октябрь

Т/р	Бериладиган ҳужжат, кўрсатиладиган хизмат номи	Ҳаракат ва (ёки) муайян фаолият	Тадбиркорлик субъектига ҳужжат берувчи ваколатли орган	Жорий этиш муддати
64.	Автомобиль транспортда йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиниш учун лицензия.	Автомобиль транспортда йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиниш.	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги	2020 йил 1 декабрь
65.	Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қуйиш станциялари объектларини қуриш учун ер участкалари ажратишни келишиш.	Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қуйиш станциялари объектларини қуриш учун ер участкалари ажратиш тўғрисидаги қарорни олиш.	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги, Ички ишлар вазирлиги	2020 йил 1 декабрь
66.	Паст ва ўрта фаолиқдаги радиоактив чиқиндилардан ташқари оғир вазнли, йирик габаритли ёки хавфли юкларни автомобиль транспортда ташиниш йўналиши схемаларини келишиш.	Паст ва ўрта фаолиқдаги радиоактив чиқиндилардан ташқари оғир вазнли, йирик габаритли ёки хавфли юкларни автомобиль транспортда ташиниш йўналиши схемаларини келишиш.	Ички ишлар вазирлиги	2020 йил 1 декабрь
67.	Сугурта захираларини хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозларига жойлаштиришни келишиш.	Сугурта захираларини хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозларига жойлаштириш.	Молия вазирлиги хузуридаги Сугурта назорати давлат инспекцияси	2020 йил 1 декабрь
68.	Локомотивлар, юк ва изотермик вагонларнинг хизмат қилиш муддатларини узайтиришга техник ечимлардан ишлаб чиқаришда фойдаланишни келишиш.	Локомотивлар, юк ва изотермик вагонларнинг хизмат қилиш муддатларини узайтиришга техник ечимлардан ишлаб чиқаришда фойдаланишни келишиш.	«Ўздавтемирийўлناзорат» ДИ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ	2020 йил 1 декабрь